


## Тадбиркорга омад ёр

# «МИКВА» МАҲСУЛОТЛАРИ

***Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида Сергели туманидаги тадбиркорлар омилкорлик билан меҳнат қилишмоқда. Бу ерда ўз фаолиятини бошлаган кичик ва қўшма ҳамда хусусий корхоналар кўпроқ энг зарур бўлган халқ истеъмоли буюмларини ишлаб чиқаришга эътиборни қаратишаётир. Шундайлардан бири тумандаги «Миква» кичик корхонасидир. У «Ўзэлектромаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси қошида 1992 йилда ташкил этилди.***

— Ҳаётда кузатувчан бўлиб юрган инсонлар кўп нарсага эришишларининг гувоҳи бўлганман, — деб сўз бошлади кичик корхона раҳбарининг ўринбосари Виктор Никитин биз билан суҳбатда. — Шунинг учун ҳам бўлса керак ўз имкониятларимиздан келиб чиқиб халққа керакли маҳсулотлардан ишлаб чиқаришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик. У ҳам бўлса турли хилдаги қулфлардир.



Бозор иқтисодиёти шароитида кўплаб четдан келтириладиган маҳсулотларнинг кети узилиб қолди. Бундан уч йил муқаддам аҳолининг кўпчилиги эшик, дарвозалар ҳамда осма қулфларни топа олмай қийналишди. Кундалик турмуш учун зарур эмасдай кўринган бу маҳсулот, дарвоқе, жуда ҳам керак экан. Қийинчилик билан бошланган ишимиз тезда юришиб кетди. Ҳозирги кунда 6 хилдаги қулфларни ишлаб чиқариб, шаҳримиздаги хўжалик дўконлари орқали аҳолига етказиб бераяпмиз. Бир ой давомида 500 минг сўмлик тайёр маҳсулот ишлаб чиқармоқдамиз.

Аммо бизни бошқа нарса ташвишга солиб қўймоқда. У ҳам бўлса хом ашёнинг етишмаслиги. Шунингдек биз ўз олдимизга қўйган мақсадларимиздан бири айрим уй бекалари ёки ногиронларни иш билан таъминлашга имкониятимиз бўлмаяпти. Ваҳоланки туманимиздаги «Меҳрибонлик» жамияти биздаги маҳсулотлар кўпроқ қулда амалга оширилишини ҳисобга олиб, ўзларининг кўплаб таклифлари билан мурожаат этишган эди. Эҳтимол маълум вақт ўтиб хом ашё билан етарли таъминлансак, ишлаб чиқараётган маҳсулот турларини ҳам кўпайтириш умидидамиз. Ҳозирча фақат қулф ясаш билан чекланмай, қўшимча иш сифатида кичик тикув цехи очиб унда оз миқдорда бўлса ҳам ишчи коржомаларини ва яна бошқа турдаги халқ истеъмоли буюмларини тикиб чиқараяпмиз.

Ишлаб чиқаришимизни келгусида янада ривож топишига кўзимиз етади. Энг асосийси биз каби тадбиркорларни қўллаб-қувватлайдиган «Бизнес-Фонд», «Ишбилармонлар» маркази ва бошқа ташкилотлар мавжуд экан меҳнат қилишдан толмаймиз.

Гулбаҳор МЎМИНОВА.

*СУРАТЛАРДА: «Миква» кичик корхонасидан лавҳалар.*

*Рустам Шарипов олган суратлар.*



## Маъданлар сири

# ЖАВОҲИРЛАР БАХТ КЕЛТИРАДИМИ?

Ранго-ранг, жилоли, тўғри қиррали, куб, конус, трапеция ва игнасимон кристалларни табиатда учратган ҳар қандай киши уларнинг инсон қўлисиз яратилмаганига ишонмай шубҳа қилади. Табиий кристаллар шу қадар жозибалики, улар кишиларни ҳайратда қолдирарли даражада гўзал ва бир қарашда мўъжизали «боқадилар».

Қадим замонлардаёқ тоғ биллурини муз кристалларига қиёс қилганлар. Чунки бу икки кристалл ҳам рангсиз ва тиниқ шаффоф бўлиб, учлари пирамидасимон, олти қиррали, ўрта асрларда тоғ кристали ва муз кристаллари ягона бир нарса деб тушунганлар. Улар фикрича муз кристаллари бизнинг кўз олдимизда ҳосил бўлса, тоғ биллури — кристали махсус қаттиқ аёзда яратилади. Шунга кўра кристалл деган сўз қадимий юнон тилида ҳам муз демакдир.

Катта Плиний асарларида (эрамизнинг I асри) ва Виктор Гюгонинг «Кулаётган инсон» романида ҳам тоғ биллури муздан келиб чиққанлиги қайд этилган. Бинобарин, улар олмос ҳам тоғ биллуридан келиб чиққанлигига ишонишган. Бунда тоғ биллури муздан минг йилда ҳосил бўлади, олмос эса тоғ биллуридан минг асрлар давомида пайдо бўлади деб уқтирганлар. Қадим замонларда кишилар тошларнинг асл моҳиятини билолмай уларда кристалларнинг ғайри табиий хоссалари бор деб ишонганлар. Масалан, аметист (ақиқ) мастликдан сақлаб, ёқимли тушлар ваъда қилса, зумрад денгизда сузувчиларни даҳшатли тўфонлардан сақлар эмиш, сапфир чаён заҳаридан фориғ қилса, олмос хасталикдан сақлайди, топаз ноябрь ойида бахт келтирса, гранит январь ойида бахт келтирар эмиш. Шу сабабдан илон чаққан кишини майдаланган зумрад тошини ютишга мажбур этганлар. Американинг қадимий халқлари — инклар ягона зумраднинг катта бир кристалига ўша замонларда худога сиғингандек сажда қилганлар.

XYI асрда Москвага келган инглиз олими Горсей ўзининг эсдаликларида шоҳ Иван Грозний билан учрашгани ва шоҳ унга ўзининг қимматбаҳо тошларини кўрсатиб айтган сўзларини келтиради: «Мана бу мўъжизали дур-марварид ва ферузага бир қаранг. Олинг уларни қўлингизга, улар ўзининг табиий жилосини ва рангини сақлаб қолган, энди уларни менинг қўлимга қўйинг, мен касал бўлганим учун, улар шу ондаёқ хиралашадилар, бу менинг ўлимимдан даракдир» деб ҳаяжонланган. «Боқинг, бу мўъжизакор қимматбаҳо жавоҳирларга, — деб қайта-қайта Иван Грозний Горсейга мурожаат қилар эди. — Мана олмос ўзининг ярқираши билан ҳамма қимматбаҳо тошлардан қимматдир. Мен тошни ҳеч бир вақт севган эмасман, чунки у кишини жаҳлдан туширади, мулоҳаза ва адолат билан иш тутишни тақозо этади. Отга ҳам олмоснинг бир зарраси ичирилса шу ондаёқ ўлади. Мана бу рубин (ёқут) у юракка даво, мия ва хотирани касалдан сақлайди».

Шулар қатори XYIII аср рус табиблари ҳам жавоҳир тошларда турлича даволаш хоссалари борлиги ҳақида гапирганлар: кимда ким бўйнида морион (тутунли тоғ биллури)ни осиб юрса, ғамгинликдан қутилар эмиш. Агар сипоҳи жанг қуролининг чап тарафига олмос қадаб қўйса, қатл этилмайди, олмосни узук кўзига солиб юрганлар васваса тушлар кўрмайди. Лазурли яхонт (сапфир) кишиларни софдил ва раҳмдил бўлишга чорлайди, кўзни равшан қилади, танадан турли касалликларни қувади. Кимда ким зумрадга муттасил қараса кўзи бақувват бўлади, касалликларга чалинмайди.

Шу тошни толқон қилиб кишиларга ичирилса борми, уларни мохов касалидан фориғ қилиб, жигар, ошқозон касаллигига ёрдам кўрсатар эмиш.

Юқорида келтирилган кристаллар ҳақидаги маълумотлар, афсоналар бугунги кунда ўтмишдан бир хотира бўлиб қолди, холос. Лекин ҳозирда ҳам кристалларнинг жилосига ҳайрат билан қараган кишилар ўртасида жавоҳирларнинг бахт келтиришига, турли касалликларни тузатишига ишонувчилар топилиб туради. Ҳозирда жавоҳирларнинг кўпчилиги радиотехникада, ер пармалашда ва космосда хизмат қилиб, фан-техника тараққиётига катта ҳисса қўшмоқдалар.

Мирмажид ЗОКИРОВ,
геология ва минерология фанлари доктори,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган геолог.

## Китоб жавонингизга

# МУҚАДДАС ЮРТ ЖОЗИБАСИ

Истиқлолга эришган Ватанимиз дунёнинг барча мамлакатларига йўл очди. Айниқса шарқ мамлакатлари билан борди-келди кўпайди, савдо-сотиқ, ўзаро ёрдам ва иқтисодий-сиёсий муносабатларни янада мустаҳкамлашга катта эътибор қаратилмоқда. Олимларнинг илмий ҳамкорликлари, талабалар алмашиниш, технологиянинг илғор усулларини биргаликда амалга ошириш каби ишлар ҳам кенгайди. Мана шу асnода таниқли олим ва журналист —Республика Журналистлар уюшмаси аъзоси, кимё фанлари доктори, профессор Қудрат ҳожи Ахмеровнинг яқинда «Меҳнат» нашриётида чоп этилган «Муқаддас юрт жозибаси» рисоласи диққатга сазовордир.

Китобчада муаллифнинг бир ой давомида Саудия Арабистонида бўлиб мамлакатнинг диққатга сазовор жойлари, тарихий обидалари, у ерда яшовчи ватандошларимиз билан учрашув ва суҳбатлари ўз ифодасини топган. Арабистон Ярим ороли марказида жойлашган бу ўлканинг ўзига хос иқлими, урф-одатлари, маданияти, қолаверса шаҳар — қишлоқларининг ўзига тортувчи жозибасининг ёрқин бўёқларда чизилиши китобхон диққатини ўзига тортмай қолмайди. Асар мундарижасига кўз ташлар эканмиз «Муқаддас юрт жозибаси», «Пайғамбаримиз ҳаётларидан лавҳалар», «Маккаи Мукаррамада», «Зам-зам—шифобахш неъмат», «Арафот водийсида» каби боблардан қизиқарли материаллар ўрин олганини кўрамиз. Муаллиф ўз асарида материалларнинг мазмунини илмий жиҳатдан асослаб беришга ҳам интилганлиги сезилади. Айниқса, Қора тош тарихи, оби зам-замнинг ўзига хос хусусиятлари, арабларнинг қурилиш бўйича олиб бораётган ишларининг ижобий томонлари чуқур таҳлил қилинадики, китобхон улар ҳақида бирмунча тўла маълумотларга эга бўлади.

Дамир ИСЛОМОВ.

## Суратли ахборот

# ЎЗ ФАРЗАНДИДЕК АЗИЗ

Бу аёлдан қалб қўри, меҳрибонлик уфуриб туради. Унга қараб туриб беихтиёр «Болалар билан ишлайдиган одам худди ана шундай бўлиши керак», деб юборасан киши. Чунки болалар катталарга баҳо беришда адашишмайди, ким табиатан меҳрибон, соф қалбли бўлса ўшани севишади. Худди шунинг учун бўлса керак 533-болалар боғчаси мудираси Ирисой Фозиловани жамоада «Ҳамманинг онаси» дея эъзозлашади.

Бундан 15 йил муқаддам боғча қурилаётган пайтлардаёқ бу аёл деярли ҳар куни келиб қурилиш қандай кетаётгани билан қизиқиб турар, тезроқ битишини сабрсизлик билан кутарди. Бугунги кунда бу ерда болаларнинг яхши тарбия олиши учун барча шароитлар муҳайё. Боғча ҳудудида боғ барпо этилган.

Бу ерда болалар саломатлигига алоҳида эътибор қаратилган. Физиотерапия хонаси ишлаб туради. Болалар учун кислородли коктейль тайёрланади, ўсимлик шарбатлари билан даволаш ҳам кенг йўлга қўйилган. Спорт зали ва чўмилиш ҳавзаси болаларнинг севимли машғулот хоналарига айланган. Яқинда бу ерда ўзбек ва инглиз тилларини ўрганиш машғулотлари бошлаб юборилди. Болалар жисмларга қараб, уларнинг инглизча қандай аталишини айтиб бера олишади. Айниқса ўзбек миллий урф-одатларини ўргатиш йўлга қўйилгани тарбияланувчиларнинг ота-оналарини мамнун этмоқда.

Мажид РАИМОВ.

*СУРАТЛАРДА: Ирисой Фозилова тарбияланувчиларни ўз фарзандидай кўради; бу ерда кичкинтойларга уй-рўзғор ишлари ўйин орқали ўргатилади.*

*Рашид Галиев олган суратлар.*





## Сўраган эдингиз...

# ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО

***● Бир киши неча марта судланиши мумкин?***

***И. Маҳкамов, ишчи.***

Статистик маълумотларга қараганда судланишнинг неча марталиги ҳақида ҳеч қандай «лимит» йўқ экан. Бинобарин, суд жиноятчини уч марта ёки ундан кўп қилган оғир жинояти учун алоҳида хавфли рецидивист деб топиши мумкин. Ундайлар устидан алоҳида маъмурий назорат ўрнатиларкан. Аммо шунга қарамай жаҳон суд тажрибасида кузатилишича дунёда ўн ва ундан ортиқ судланганлар ҳам учраб тураркан.

# ТАНГА ЎРНИГА КАРТОЧКА

***● Ғарб давлатлари кўчаларидаги телефон-автоматларни бузувчи безориларга қарши фойдали восита ўйлаб топишган экан. Илтимос, бу ҳақда тўлиқ маълумот берсангиз.***

***М. Миржалолов, талаба.***

Дарҳақиқат, кўчалардаги автоматларнинг бузилиши фақат биздаги муаммо эмас экан. Статистик маълумотларга қараганда Францияда мисол учун ҳар ўн иккинчи автомат босқинчилар ичини бузиб пулини олишгани учун, бекорчиликдан дастакларини суғуриб олишгани учун ишламайди.

Шу боис Франциянинг саноат, алоқа ва туризм вазирлиги автоматларни пул тўланмайдиганига алмаштиришга қарор қилди. Бунинг учун магнит чизиғи бўлган махсус карточкалар чиқарилган. Уларни хоҳлаган алоқа бўлимларидан ёки тамаки сотадиган дўконлардан олиш мумкин. Хуллас, телефонда рақам теришдан аввал аппаратга карточка жойлаштирилади. Ана шундан кейин гўшакка гудок келади.

Чет эл матбуоти хабарлари асосида
Камола МИРАКРАМОВА тайёрлади.

## Ҳар тўғрида

# Ё ЭР, Ё МУШУК

Инглизлар ҳайвонларни «жонларидан ортиқ» суюшлари, уларни ҳаттоки оила аъзоларидек кўришлари кўпчиликка сир эмас. Йилига бу ерда «Умуммиллий мушуклар куни» ўтказилиб турилади. Анъанага айланган куннинг бу йилги нишонланиши жараёнида мушукларни ҳимоя қилиш лигаси 800 нафар болакайлардан сўров ўтказилди. Уларга биргина: «Уйингизда мушукнинг мавқеи қандай» деган савол берилди.

Ҳар учинчи бола, онасининг меҳри отасига қараганда мушукка кўпроқ тушганлигини, укаси ё синглисига қараганда мушукни эркалашини маълум қилди.

Бува ва бувиларининг хатти-ҳаракатларига бирмунча чидаса бўлар экан. Чунки ҳар 6 боладан бири юқоридаги ҳодиса «бува ва бувиларда рўй бериши»ни қайд қилган. Мушукларни хуш кўрмайдиган инглиз эркакларига, тадқиқот натижаларига кўра, турмуш ўртоқлари билан мушук баҳона жанжаллашганда «Ё мени де, ё мушукни» деган шарт зинҳор оғизларидан чиқиб кетмаслигини маслаҳат беришди.

Малоҳат МИРСОБИРОВА
тайёрлаган.

## Ибратли ҳикоятлар

# ЭЗГУЛИК МУКОФОТИ

Кунлардан бир кун ҳазрат Имом Ризо дўстларига деди:

— Қўлингиздан келганича Аллоҳни ёд қилинг, фақат эзгу ишларни бажаринг. Инсонларни қадрланг, тавозели бўлинг, бугунги кунга шукроналар қилиб, эртанги кунга умид билан яшанг. Бу борада шундай ҳикоят бордир. Бани Исроил қабиласидаги бир киши кечаси тушида фариштани кўрибди. Фаришта унга дебди:

— Сенга берилган умрнинг ярми саодатли қилиб белгиланган. Шу саодатли умр ҳаётинг бошида бўлсинми ёки охиридами?

У киши дебди:

— Менинг турмуш ўртоғим бор, у билан маслаҳатлашиб кўрай. Тонг отгач, ўзининг аёлини чақириб сўрабди:

— Хотин, тушимда фаришта умримнинг ярми роҳат-фароғатдан иборатлигини айтди. Умримнинг аввалини ёки охирини танлашим керак экан. Айт, нима қилиш керак? Аёл дебди:

— Бахтни ҳаётнинг бошида бўлишини сўра!

— Майли, сен айтганча бўла қолсин.

У кишига ризқ-насиба эшиклари очилибди. Давлати кўпайибди. Қўлини қаёққа узатса етадиган, ҳамма ҳурмат қиладиган обрўли инсонга айланибди.

Хотини унга дебди:

— Фалон қўшнимиз муҳтож экан, унга кийимлар, озиқ-овқатлар берайлик. Фалон яқинимиз камбағаллашиб қолибди, унга ҳадялар олиб борайлик.

У киши хотинининг сўзларига амал қилиб яшабди. Ҳамма вақт савобли ишлар билан машғул бўлишибди. Юзлари ёруғ, руҳлари тетик, иймонлари бутун бўлиб бораверибди.

Бир кеча ўша фаришта тушга кириб дебди:

— Эй мард, сенга берилган фароғатли умрнинг ярми тугади. Энди нима дейсан?

У киши:

— Хотиним билан маслаҳатлашиб кўрай, — дебди.

Эрталаб хотинидан сўрабди:

— Хотин, умримизнинг саодатли бўлаги тугабди. Энди нима қилишимиз керак? Фариштага қандай жавоб берай?

Хотин дебди:

— Хафа бўлма, Аллоҳ бизга неъмат берди ва биз қўлимиздан келганича яхши ишларга сарфладик. Аллоҳ неъматларининг қадрига етдик. Аллоҳ буюкдир, бизни ҳеч қачон ўз саодатидан бенасиб қилмайди.

Кечаси фаришта келиб дебди:

— Ярим умрингизни бахтли ўтказдингиз, қолгани ҳам саодатли бўлсин!

# САОДАТ ЙЎЛЛАРИ

Биринчи фарзанд туғилганидан кейин оиланинг ишлари яна ҳам кўпаяди. Ҳазрат Али оила ишларида доимо Биби Фотимага ёрдам бериб турардилар. Кейинроқ Фотимага ёрдам берсин деб канизак келтирдилар. Бу иш Биби Фотимага ёқмади.

Кунларнинг бирида Расулуллоҳ уларникига келдилар ва суҳбат асносида Фотимага дедилар:

— Уй ишларини ўзинг бажаргин. Ҳар вақт уйқу олдидан ва уйқудан тургач, ҳар номозда 33 марта «субҳоноллоҳ», 33 марта «Алҳамдулиллоҳ» ва 34 марта «Аллоҳу акбар» дегин. Шунда уй ишлари ҳам, ҳаёт қийинчиликлари ҳам енгиллашиб бораверади. Уй ишлари билан бандлик ҳам бир фазилатдир. Сенинг бу фазилатдан маҳрум бўлишингни асло истамайман.

Шунда Биби Фотима дедилар:

— Менинг шодлигим Аллоҳнинг ва Расулнинг шодлигидандир.

Ва ўша кундан бошлаб бу тасбеҳ «Фотима тасбеҳи» номи билан машҳур бўлди. Юз доналик бу тасбеҳ тоза гулларнинг шоналаридан ясалди.

Бир куни ҳазрат Али дедилар:

— Қандай яхши иш бўлди, охиратимиз учун ҳам саодат йўллари очилди.

# ЁРДАМ

Расулуллоҳ ва саҳобалар йўлда кетишарди. Бир қудуққа яқинлашдилар. Қудуқнинг ёнида бир бечора кампир сув олиш ниятида турарди, лекин челакни юқорига чиқаришга кучи етмасди. Расулуллоҳ унинг ёнига бордилар ва дедилар:

— Эй онажон, бизга рухсат беринг, кўмаклашайлик!

Кампир деди:

— Яхши иш бўларди, Аллоҳ сизларнинг дўстингиз бўлсин!

Расулуллоҳ челакни пастга тушириб, бир неча бор сув олдилар ва кампирнинг қўлидаги мешни тўлдирдилар. Мешнинг оғзини маҳкам боғлаб бердилар. Кейин билдиларки, кампирга мешни кўтариш жуда қийин бўлади. Расулуллоҳ дедилар:

— Ҳозир бизнинг ортимиздан юринг, мешингизни обориб берамиз.

Саҳобалардан бири мешни елкасига қўйган эди, Расулуллоҳ дедилар:

— Мешни кўтариш бизнинг бўйнимизда!

Ҳаво жуда иссиқ эди. Гўё офтоб ёндирарди. Улар бироз юргандиларки, бир хайма (чодир) кўринди. Кампир тўхтади ва деди:

— Бу бизнинг чодир, худо омадингизни берсин.

Расулуллоҳ мешни ерга қўйдилар, кампир чодирга кириб кетди. Болалари келишган экан. Улар:

«Қаерда эдингиз?» — деб сўрашди.

«Сувга боргандим, — деди кампир. Сўнг уларга буюрди:

— Туринглар, бирингиз ташқаридан мешни олиб келинг.

Болалар оғир мешни кўришиб, ҳайрон бўлишди.

— Онажон, шундай оғир мешни қандай кўтардингиз?

Кампир деди:

— Қудуқ олдида турсам бир неча киши мен томонга келарди. Уларнинг ичида жуда истараси иссиқ бир киши мешни сувга тўлдириб, оғзини боғлаб яна ўзи шу ергача кўтариб келди. Дўстларига ҳам бермади.

— Биз унга миннатдорчилик билдиришимиз керак, — дейишди болалар.

Кампир саҳобалар орасида турган Расулуллоҳни кўрсатиб, «Мана шу киши» деди. Болалар югуриб Расулуллоҳ ёнига бордилар ва пайғамбарни танидилар. Кейин оналари қошига келишиб «Онажон, биласизми, сизга ким ёрдам берибди? Ахир бутун вужудидан хайру барака ёғилиб турган Расулуллоҳни танимадингизми?» — дейишди.

Кампирнинг ҳайратдан ва кўнглидаги меҳру муҳаббатдан кўзларига ёш келди. Йўлда Расулуллоҳга ҳар хил майда-чуйда гаплар гапиргани учун паришон бўлди. Расулуллоҳ дедилар:

— Ноҳоҳат бўлманг; онажон! Кексаларга хос гапларингиз мени ранжитгани йўқ. Хонадонингиздан файзу барака аримасин, фарзандларингизнинг роҳатини кўринг!

# АВВАЛ ҚЎШНИ

Ҳазрат Имом Ҳасан шундай ривоят қилибдилар:

— Мен ёш бола эдим. Жума кунларининг бирида онам кечки намоз билан машғул эдилар. Намозларини тамомлаб тасбеҳларини ўгириб бўлгач, қўшниларини ва барча инсонларни дуо қила бошладилар. Намоз тугагач, онамга юзланиб дедим:

— Эй, ҳурматли волидам! Нега ўзгаларни аввал дуо қиласиз, ўзимизни эса охирида, озгина дуо қилдингиз.

Онам ярим табассум билан дедилар:

— Ўғлим, хайру эҳсон ва дуо аввал қўни-қўшнидан, ўзгалардан бошланади. Кейин дуога ўзимизни ҳам қўшиш мумкин.

# ҚИТМИР ҲАМСОЯ

Бир куни бир киши Расулуллоҳ қошига келди ва ўзига азият бераётган қўшнисидан шикоят қилди. Расулуллоҳ дедилар:

— Сабр қил! Ҳалиги киши бир неча ҳафтадан кейин яна келди ва Расулуллоҳга арз қилди. Расулуллоҳ: «Сабр қил!» дедилар.

У киши қўшнисининг ёмонликларидан ожизланди. Кейин учинчи бор Расулуллоҳ қошига келиб, қўшнисининг кирдикорларини айтди.

Бу сафар Расулуллоҳ унга дедилар:

— Ҳозир жума намозига ҳамма йиғилади, эшигингни очиб қўй.

Намозга келаётган ҳар бир киши қўшнингнинг ишларини кўрсинлар.

У киши кетди ва Расулуллоҳ айтганларича иш қилди. Одамлар қўшнининг ёмонликларини кўришиб, ҳар томондан унга танбеҳ бердилар, панд-насиҳат қилдилар.

Ёмон қўшни ўз ишларидан пушаймон бўлди, кейин қўшнисининг уйига чиқиб, ундан узр сўради. Аллоҳ номини тилга олиб, бундан буён яхши муносабатда бўлишлигини айтди.

Исломда қўшничилик, қўшнининг ҳақ-ҳуқуқлари борасида яхши қоидалар мавжуд. Ўзини ҳурмат қилган ҳар бир киши ўзганинг қадрига етиши керак. Аммо инсонлар борки, инсоф чегарасига риоя қилмайдилар. Ҳадисларда келтирилишича, қўшнининг ҳам чегараси бўлади. Расулуллоҳ икки бора «Сабр қилгин» дедилар. Учинчисида ярамас қўшнининг таъзирини ишора қилдилар. Чунки ҳар қандай одам ҳам инсофга келиб қолиши мумкин. Хулоса қилиб айтганда ҳар бир инсон эзгуликни ўзига шиор қилиб олмоғи лозим.

Баҳриддин ТУРҒУНОВ
тайёрлади.

## Қонун барча учун баробар

# ҲАРБИЙ БУРЧ ВА МАСЪУЛИЯТ

***Она Ватан. Ҳар нарсадан мўътабар ва лазиз. Республикамиз мустақилликка эришгач, Ватан туйғуси алоҳида маъно билан бойиди. Она заминга, гўзал диёримизга муҳаббат туйғуси, унинг тақдири учун жавобгарлик ҳисси тобора ошмоқда. Дарҳақиқат Ватанни севмоқ иймондандир.***

***Мустақил давлатимиз Қуролли Кучлари сафларида хизмат қилиш, унинг қудратини ошириш республикамиз фуқароларининг муқаддас ва шарафли бурчидир. Ҳозир Қуролли Кучларимиз сафларига кузги чақириқ бошланди. Шу муносабат билан мухбиримиз Тошкент Давлат юридик институти жиноят ҳуқуқи кафедрасининг доценти, юридик фанлари номзоди Фарҳод ТОҲИРОВГА мурожаат қилиб, ҳарбий бурч ва унинг масъулияти ҳақида суҳбатлашди.***

**— Фуқароларнинг Ватан ҳимояси соҳасидаги бурчи ҳақида ҳуқуқшунос сифатидаги мулоҳазаларингизни ўртоқлашсангиз.**

— Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 9-бобида фуқароларнинг бурчлари баён қилинган. Шу жумладан 52-моддада **«Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар»**, дейилган.

Кўриб турибсизки, она Ватан ҳимояси республикамизда қонун билан мустаҳкамланган. Мустақил диёримизда яшаётган ҳар бир фуқаро унинг сарҳадларининг дахлсизлиги, тинчлиги, осойишталигини ҳимоя қилишга масъулдир. Айниқса бугунги ёшлар олдида бу борада масъулиятли вазифалар турибди. Қуролли Кучларимиз сафларида хизмат қилиш уларнинг виждон иши, фахрли ва муқаддас бурчи бўлмоғи даркор.

**— Бугунги кунда ёш давлатимиз Қуролли Кучлари сафларида Ватанимиз тинчлиги ва осойишталиги йўлида ҳалол хизмат қилаётган, ҳарбий билим ва жанговар техникани пухта эгаллаётган ёшлар кўп. Лекин гуруч курмаксиз бўлмаганидек, хизматдан бўйин товлашга уринаётган айрим ёшлар ҳам учраб турганлиги сир эмас. Бундай ҳолларда республика қонунларида қандай жазо чоралари белгиланган?**

— Ўзбекистон Жиноят кодексининг 8-бўлимида ҳарбий хизматчилар, шунингдек ҳарбий машқни ўташ даврида ҳарбий хизматта мажбур шахслар томонидан ҳарбий хизматни ўташнинг белгиланган тартибига қарши қилинган жиноятлар ҳарбий жиноятлар деб ҳисобланади, деб таъкидланган.

Албатта ҳар қандай шахс содир қилган ижтимоий хавфли ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги учунгина жиноий жавобгарликка тортилади. Жиноят кодексининг 14-моддасида жиноят тушунчаси берилган бўлиб, бунда айбли ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) жазо қўллаш таҳдиди билан жиноят деб топилади, деб кўрсатилган. Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида» ва «Муқобил хизмат тўғрисида»ги Қонунига асосан 18 ёшга тўлган республика фуқароси ўз Ватанини ҳимоя қилиши, Қуролли Кучлари сафларида хизмат қилиши шартлиги белгиланган. Агарда сабабсиз ҳарбий ёки муқобил хизматдан бўйин товласа Жиноят кодексининг 225-моддасида ҳарбий ёки муқобил хизматдан бўйин товлаганлиги учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Ушбу моддага мувофиқ дастлабки маъмурий жазога тортилганидан кейин яна қасддан бўйин товласа, у ҳолда ушбу кодекснинг 225-моддасининг 1-қисмига асосан, жиноий жазога тортилади. Бунда жазо муддати икки йилгача ахлоҳ тузатиш ишлари билан ёки икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Агарда муддатли ҳарбий ёки ҳарбий муқобил хизматга чақирилувчи шахс хизматдан бўйин товлаш мақсадида ўз баданига шикаст етказса ёки ҳужжатларни қалбакилаштирса, бошқача алдаш йўли билан содир этилса, бундай ҳолатларда икки йилдан уч йилгача муддатга ахлоқ тузатиш ишлари билан ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

**— Ҳарбий қисмлардан ўзбошимчалик билан қочиб келган шахсларга нисбатан қандай жазо чоралари кўрилади?**

— Жиноят кодексининг 12-бобининг 287-моддасида ҳарбий қисм ёки хизмат жойини ўзбошимчалик билан ташлаб кетганлиги учун жазолар белгиланган. Унинг 3-қисмида ҳарбий қисм ёки хизмат жойини ўзбошимчалик билан ташлаб кетиш, шунингдек хизматта белгиланган муддатдан узрли сабабларсиз бир ойдан ортиқ вақт ичида етиб келмаган ҳолатлар учун қонунда беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазосини қўллаш кўзда тутилган.

Шу нарсани алоҳида таъкидлаш керакки, ўз Ватанини ҳимоя қила олган давлатгина мустақил давлат ҳисобланади. Шундай экан, бугунги ёшлар ўзларининг бутун куч ва қобилиятларини Қуролли кучларимиз қудратини оширишга, мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни сақлашга ўз ҳиссаларини қўшишлари шарт.

Суҳбатдош
Машҳура МИРЗАМУҲАМЕДОВА.

*«Маликабону—95»*

# ЛОБАР ҚИЗЛАР

«Алпомиш» спорт саройида «Маликабону-95» гўзаллар танловининг ўтказилишини эшитиб, бу галги тадбир қандай бўларкин, илгариги хатолардан хулосалар чиқарилганмикан деган ўй-хаёлларга боргандик. Бироқ тадбир олдидан танловнинг бош ташкилотчиларидан бири, «Алпомиш» спорт саройининг директори Абдурашид Абдалиев билан суҳбатлашгач, фикрларимиз ўзгарди.

— Европа ва жаҳоннинг бошқа қитъаларидаги анъанавий танловлардан фарқли равишда «Маликабону-95» танловини ўтказишдан асосий мақсадимиз қизларимизнинг гўзаллиги, иффати, нафосати, табиат аёл кишига ато этган энг яхши ҳислатларни намоён қилиш, ёш иқтидорларни топиб, уларни юзага чиқариш эди, — дейди Абдурашид ака. — Зеро, бу тадбирнинг ўзига хос маърифий-тарбиявий аҳамияти ҳам бор. Шу сабабдан кўпчилик талабгор қизларни ҳайъат аъзолари кўриб чиқиб, уларнинг бўй-басти, жисмоний ривожланиши, ақл-идроки, зукколиги, зийраклиги, санъатга муносабатини ҳисобга олган ҳолда 16 ёшдан 24 ёшгача бўлган 23 та қиз танловда қатнашиш учун танлаб олинди. Уларнинг саҳнага чиқишлари учун миллий ва Европа услубидаги бежирим, нафис кийим-кечакларни эса «Юлдуз» ҳиссадорлик жамиятининг қўли гул чеварлари тикиб беришди. Тадбирнинг ўзига хос саҳнавий ечимларини топишда, безатиш ишларини ташкил этишда Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театри, республика театр арбоблари уюшмасининг хизмати катта бўлди. Саҳнага эса Германия фирмаларининг ноёб ёритиш анжомлари ўрнатилди.

Режаларимиз ҳали кўп. Насиб қилса келаси йили Ёшлар Иттифоқи ташкилоти билан биргаликда танловни аввал вилоятларда ўтказиб, сўнг энг лобар қизларни шаҳримизга таклиф этиб, финал баҳсини ўтказмоқчимиз.

Дарҳақиқат, бу галги дастур устида анча ишланганлиги танлов давомида сезилиб турди. Лобар, гўзал қизлар спорт, сиёсат, ижтимоий ҳаёт, юртимиз тарихи, маданияти, фани, миллий урф-одатларимиз, Ўзбекистоннинг равнақи омиллари тўғрисидаги саволларга атрофлича ва мазмунли жавоб қайтариб, ўзларининг билимдон ва топқир эканликларини кўрсатган бўлсалар, ўйин - санъат бобидаги маҳоратларини театрлаштирилган томошаларда намойиш қилдилар.

Таниқли хонанда ва созандалар — Мансур Тошматов, Азим Муллахонов, Кумуш Раззоқова, Асқар Акчурин, канадалик меҳмон Борис Новогрудский, раққос Михаил Михелев ва раққоса Замира Усмоноваларнинг чиқишлари, хусусан «Маликабону-95» танловида илк бор янграган қўшиқлар тадбирга янада жозиба ва файз бахш этди.

Ниҳоят ҳаяжонли дамлар етиб келди. Ҳакамлар хайъатининг муфассал ҳисоб-китобларидан сўнг Тошкент Давлат тиббиёт институтининг талабаси Шаҳноза Ғуломова танловнинг мутлақ ғолиби деб топилди ва унга маликаларга хос тож кийгизилиб, махсус «тахтиравон»га ўтқазилди. Манекенчи Марина Сухова биринчи ўринни эгаллади. Моделчи Нигора Ниёзовага иккинчи, ўқитувчи Анна Сердюкка эса учинчи ўрин насиб этди. Бундан ташқари ишқибозларнинг энг кўп олқишларига сазовор бўлган Шаҳноза Ғуломова ҳамда Анна Сердюкларга «Томошабинларга энг ёққан бонуга», 16 ёшли мактаб ўқувчиси Наргиза Саломовага «Энг ёш ва жозибали бонуга», Нигина Ҳамидовага эса «Энг зебо ва назокатли бонуга» совринлари топширилди. Барча ғолибларга, энг зукко гўзалларга тадбир ҳомийлари — «Транс Туркистон» халқаро транспорт-экспедиторлик компанияси, Франциянинг «Лозет» компанияси, Германиянинг «Транс Осиё» фирмасининг Тошкентдаги ваколатхонаси, «Маданият» илмий-ишлаб чиқариш маркази, «Технотекст» (АҚШ) компанияси, «Магро» фирмаси, «Кока кола ЛТД» Тошкент корхонасининг махсус совринлари ва қимматбаҳо совғалари топширилди. Бундан ташқари «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси 1-10-ўринни олган гўзалларга Тошкент-Жакарта-Тошкент авиайўлланмасини топширди. Бош соврин соҳиби ҳамда 1,2,3-ўринни олганлар Францияга 7 кунлик саёҳатга боришадиган бўлди.

Дилшод ИСРОИЛОВ.

*Кекса юрак мавжлари*

# БУ МЕНИНГ МЕҲРУ ДИЛИМ...

**Канопни чийратсанг арқон бўлади,**
**Одамни чийратсанг армон бўлади.**
**Бир хилда бўлмагай одам ҳамиша**
**Гоҳ хушнуд, гоҳ нохуш сарсон бўлади.**
* * *
**Бағри тош бўлса киши билки ширин сўз ҳайф кетар,**
**Турк агар бўлса совуқ унга қуёшдин не етар?**
**Йўқ илиқ сўз қалбида доим дилозорлик иши**
**Оқибат умри қанча кўп маломатлар етар.**
* * *
**Бу менинг меҳру дилим ишқу вафодан яхшироқ,**
**Виждону ҳам поклигим жони фидодан яхшироқ,**
**Ошиқу шайдони кўрдим, номуси инсофи йўқ,**
**Зарра фаҳму фаросат ақли расодан яхшироқ.**
* * *
**Майда ташвишлардан ғам бўлур пайдо,**
**Кичик ирмоқлардан гўёки дарё.**
**Билиб қўй, ҳаётнинг икир-чикирин,**
**Бардошсиз кишилар айлайди хато.**
* * *
**Ҳасад-ла кўз тикма меҳнат элига,**
**Жирканиб тикилма қадоқ қўлига.**
**Ҳалол меҳнат билан етур мақсадга**
**Ғов бўлма бахтига, ойдин йўлига.**
* * *
**Қаттиқ нон туйилса талқон бўладир,**
**Очликда инсонга қалқон бўладир.**
**Нонни сен азизла, кўзингта сургин,**
**Хўрласанг бошингта соқон бўладир.**
* * *
**Идрок, зеҳн, фаросат — ақлнинг кошонаси,**
**Яхши отнинг белгиси — туёғу пешонаси**
**Ўринсиз ноҳақ кулгу, ёшга ярашмас қилиқ,**
**Суюқлик аломати, аҳмоқлик нишонаси.**
* * *
**Дарё тўкилур хонаи тўфон бузилурда**
**Қаддинг букилур ваъдаи паймон бузилурда,**
**Дунёни фалак бир куни барбод гузарида**
**Осмон йиқилур мазгили само бузилурда.**
* * *
**Тонг еллари гулларга бир меҳрибон бўлармиш,**
**Шабнамлари баргига тўкилса жон бўлармиш.**
**Аста эсиб шаббода муаттар ўлса гулшан**
**Булбул фиғонда доим юраги қон бўлармиш.**

Файзулло ХАЙРУЛЛО.


*Биз эгизаклармиз.*
*Абдувоҳид Тўраев олган сурат.*




*Ўзбек адиблари — «Оқшом» учун*

*Тоҳир МАЛИК*




**(Давоми. Боши газетанинг 111, 113, 114, 115-сонларида).**

«Бунда нима айб? Унга буюришган. «Олиб бориб қўй», дейишган. Олиб бориб қўяди. «Ўлдириб кел», дейишган бўлса, ўлдириб келади. Бир жиҳатдан шуниси ҳам дуруст—мушкулимни осон қилади». Шу фикрда машинага ўтирди. Йигит «Қаёққа олиб бориб қўяй», деб сўраб ҳам ўтирмади. Ҳатто: «Барибир ўтирар экансан, ноз қилишинг нимаси эди», деган маънода қараб ҳам қўймади. «Бу содиқ лайчаларнинг ҳаммаси камгап-а?» деб ўйлади Элчин. У ўриндиққа ястаниб ўтириб, чуқур-чуқур нафас олди. Оғриқ бироз пасайгандай, тепки зарбидан гўё бир-бирига чирмашиб таранг тортилиб қолган ичаклари бўшашгандай туюлди. Оғриқ чекиниши билан фикри тиниқлаша бошлади. Хаёлига янги йил кечаси келди. Эшикнинг қия очилиши... Жингалак сочли йигит.. Салом-алик йўқ, «Сиз фалончимисиз?» дейиш йўқ. «Сизни Бек акам чақиряптилар» деб машинаси томон юрган эди. Элчин ўшанда ҳам ярим соат-бир соатдан сўнг тирик қайтадими ё мурдаси кўчага, қайси бир ахлатхонага олиб чиқиб ташланадими, билмас эди. Ҳозир ҳам билмайди. Йигит йўлдан кўзини узмагани ҳолда лабига сигарет қистириб, тутатди. Димоғига тутун урилиб, Элчиннинг ҳам чеккиси келди.

— Чекишдан ол! — деди буйруқ оҳангида. Бу оҳангдан ўзи ҳам таажжубланди. «Ҳечқиси йўқ, буйруқ қилишга ҳаққинг бор. Сен хўжайиннинг куёвисан», деб таскин берди ички бир овоз. Шу оннинг ўзида бошқа бир овоз қитмирлик билан «ўлимга маҳкум этилган куёвсан», деб қўйди. Элчин паст овозда буюрдими ё шовқинда эшитмадими, ё ўзини эшитмаганга солдими, ё «сенинг буйруғинг менга ўтмайди» дедими, ҳар ҳолда сигарет узатмади.

— Чекишдан ол! — деб буюрди Элчин баландроқ овозда.

Йигит энди узр маъносида қараб олар, деб кутган эди. Йўқ, қарамади. Индамай сигарет қутисини узатди. Янги йил кечаси ҳам шундай бўлган эди. Элчиннинг «Чексам майлими?» деган саволига Жамшид йўлдан кўзини узмаган ҳолда совуққина қилиб «Ҳа» деб қўйган эди. «Уни ким ўлдирган экан? — деб ўйлади Элчин. — Ўлдириш ниятим борлигини Асадбек қаёқдан билди? Ё тахмин қилдими?» Элчин Асадбекнинг ниятини англамас эди. Биргина у эмас, бошқалар ҳам кўпинча ғафлатда қолишарди. Агар мақсади барча учун очиқ-ойдин бўлса, унинг «Ўқилон»лиги қайда қолди? «Нима учун мендан гумон қилади? Менсиз ҳам бир-бирларини ўлдириб юришибди-ку?» Асадбекнинг одамларини яқин йиллар ичи биров чертишга ҳам журъат этолмаётганини билмагани учун ҳам Элчин шу фикрга борди.

— Булар жинни бўлиб қолган... — хаёлига келган гапни беихтиёр овоз чиқариб айтди. Йигит бу гапни эшитиб, қараб қўйгандай бўлди. Элчиннинг яна қитмирлиги тутди.

— Акаларинг жинни бўлиб қолишибди.

Бу гапни айтишга айтди-ю йигит бехос тарсаки тортиб юборармикин, деб кутди. Йигит ҳатто қараб ҳам қўймади. «Ҳа... ўзим жинниман... Булардан ўчимни олгунимча жинни бўламан, шекилли...»

Машина кўчасига бурилгач, «Демак, ўлдириш ҳақида буйруқ олмабди», деб ўйлади. Яширин қитмир овоз эса «Уйингда ўлдириб кетса-чи? Худди Ноилангга ўхшаб...» деди. Машина дарвозаси рўпарасида тўхтади. Йигит «Тушинг» ҳам демади, «Келдик» ҳам демади.

Элчиннинг қитмирлиги тутиб ўтираверди. Кейин: «Бу бола билан пачакилашганимдан нима фойда?» деб ўйлаб, машинадан тушди. У эшикни ёпишга ҳам улгурмай машина худди пойгага шошилгандай шашт билан қўзғалди.

Элчин дарвозага яқинлашиб, калит соладиган ерга қистирилган қоғозни олди. Қоғоз ҳафсала билан найча каби ўралганидан фаҳмладики, бу болалар иши эмас. Қоғозни очиб, чап томонга қийшайтириброқ ёзилган ҳарфларни таниб, жилмайиб қўйди.

«Акобиру отарчи, ал ҳофизу ҳабибул Элчинбек!

«Ал муриду ятлубу вал муроду яҳрабу». Яъниким, «Хоҳловчи қидиради, мурод эса қочади», деганларидек, камина пойи қадамингиз етган туфроқни кўзга суртгали келиб, муборак остонангизни кўз ёшларим билан суғоргумдир, токи бул туфроқда меҳр чечаклари унғай.

Байт:

Кўпайишиб қолганмиш тўйларингиз,
Пулга тўлиб қолгандир чўнтагингиз.
Бегингиздан изн теккан маҳалларда,
Биз ҳам кўриб қолайлик бўйларингиз.
Аддойи Анварингиз»..

Бу сатрларни ўқигач, унинг чеҳраси очилди. «Кайфияти яхши экан шоирнинг» деб қўйди. Дўстини кўргиси келди. Шундай туйғу унда қамоқдан қутулиб қайтган куни уйғонган, дўстининг жиннихонада эканини билгач эса юрак-бағри эзилиб кетган эди. Уни кўргиси келган, аммо бориб кўриш имкони йўқ эди. Ҳозир ҳам кўргиси келяпти, имконияти ҳам бор. Аммо боришни истамади. «Яна ихраб-сихраб ўтирмай, кечроқ борарман», деган қарорга келиб, уйига кирди-да, диванга чўзилди.

Эртакларда маконига учиб келган дев ёки аждаҳо «Уфф... одам иси келяпти!» деб чақирилмаган меҳмонни излашга тушади. Агар одам боласида ҳам шундай ис билиш қобилияти бўлганида Элчин бундан бир неча кун илгари бу хонага Жамшиднинг кириб чиққанини сезарди. Мана шу остонани ҳатлаб ўтиши ажал эшигини қоқиш билан баробар бўлганини биларди. Зайнабнинг кўз ёшлари тўкканини англарди. Балки Жамшиднинг «Сен учун мен ўч оламан... Қасам ичаман... Агар сени ҳимоя қиладиган эркак зоти қирилиб битса, ўзинг ўч оласан...» дегани ҳам қандайдир сеҳрли йўллар билан аён этилармиди...

Шу дивандан уч қадамгина нарида Жамшид турган эди. Қасам ичганидан кейин Зайнаб унинг бўйнидан қучиб, ўпиб қўйган эди... Алҳол эртак бошқа, ҳаёт бошқа. Инсон сезгилари эса чегараланган.

**(Давоми бор).**

*Жиноятчиликнинг олдини олиш хизмати — 25 ёшда*

# ЖАМОАТЧИЛИК БИЛАН БАҲАМЖИҲАТ

Милиция ходимларининг маҳаллаларда, туманларда, туманларнинг аҳоли зич жойлашган ҳудудларида жамоатчилик билан баҳамжиҳат иш олиб боришларига кўпчилик ўрганиб қолган. Ҳудуд нозирларининг хизмати ички ишлар идораларидаги энг машаққатли ва ўз навбатида масъулиятли вазифалардан ҳисобланади. Ана шу ва бошқа масъулиятли ишларни намунали ташкил этиш мақсадида пойтахт Ички ишлар бош бошқармаси таркибида жиноятчиликнинг олдини олиш хизмати ташкил қилинганига чорак аср бўлди. Бу хизмат асосан ҳудуд нозирлари ишини ташкиллаштириш ва уларни назорат қилиш, вояга етмаган ўсмирлар билан ишлаш ва бошқа осойишталикни таъминлашда зарур бўлган юмушлар билан машғулдир.

Биз бу хизмат ходимларининг байрами арафасиди Тошкент шаҳрида илк бор жиноятчиликнинг олдини олиш хизматига раҳбарлик қилган, ҳозирда кексалик гаштини сураётган, истеъфодаги милиция полковниги А.Л.Карасик билан суҳбатлашдик.

— Жиноятчиликнинг олдини олиш хизмати дастлаб жиноят-қидирув бўлими таркибида тузилганди, — дейди А.Л.Карасик. — Кейинроқ алоҳида мустақил бўлим сифатида ажралиб чиқди.Мана эндиликда энг мураккаб ва катта бошқармалардан бири сифатида фаолият кўрсатмоқда. Очиғини айтиш керак, милициянинг халқ ичида ўз вакиллари бўлиши бу жиноятчи-унсурларга қарши кураш ва жиноятчилик ҳолларини вақтида фош қилишнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

1970 йили тажриба сифатида иш бошлаган бу хизмат дастлабки кунлардаёқ ўзининг ижобий натижаларини берди. Қисқа давр ичида жиноятларнинг содир этилиши кескин камайди. Маҳалла фаоллари ва кенг жамоатчилик билан узвий алоқалар ўрнатилди. Қисқа қилиб айтганда, милиция халқ ичига кенг кириб борди. Бундай ижобий ишлар шу бугунги кунга қадар давом этиб келаётгани кўпчиликни қувонтирмоқда.

Мен ички ишлар соҳасига 42 йил умримни бағишладим. Шундан энг узоқ йиллар жиноятчиликнинг олдини олиш хизматида ўтди. Халқнинг тинч-осойишта турмуш кечиришига ўз ҳиссамни қўшганимдан, бир нечта жиноятларнинг олдини олишда улушим борлигидан фахрланаман. Оиламизда кўпчилик ички ишлар идорасида хизмат қилди. Шулар қаторида ўғлим Владимир Алексеевич Карасик ҳам жиноятчиликнинг олдини олиш хизматида қатор йиллар хизмат қилди.

Мана, 16 йилдан буён нафақадаман. Лекин мени доимо ИИББ га таклиф қилишиб маслаҳатларим билан ёрдам бериб туришимни сўрашади. Бажонидил рози бўламан. Ўзимни ҳали ҳам милиция сафида туриб халққа фойдам тегаётганидан беҳад хурсандман. Кўча-кўйда милиция ходимларини учратиб қолсам ғурурланиб кетаман.

Мирзараҳим МАМАЖОНОВ,
Тошкент шаҳар ИИББ матбуот хизмати катта нозири.

*Қардошлар ижодидан*

Муродбой
НИЗОНОВ

# КУЯ

**(Ҳажвия)**

— Олим ака қалай, эшитишимча йигирма беш ёшидаёқ раҳбар лавозимларда ишлаган эмиш...

— Бизнинг бошлиқни айтасанми, Олим Тўраевичми?

Ў-ў, ер қўзғалмаса мен қўзғалмайман, деган хилидан. Димоғининг дамига нон пишади. Бир ўзига икки машина хизматда. Хоҳласа «Волга»ни минади, хоҳласа «Девит»ни. Саломга қўл чўзсанг, бармоғининг учини зўрға беради.

— Вой-бўй, шунча манманлиги билан қаергача ўсар дейсан. Унинг ўрнига бугун-эрта Берди Жўраевич ўтирди, деяверинг.

— Ўринбосарини айтяпсанми? Ҳўкиз туғади, деса ишонаман-у, унинг бошлиқ бўлишига — йўқ! У шу ўринбосарлик учун туғилган одам. «Тубан жойга тупирмас» деб шуни айтадилар. Биров оқ деса, оқ дейди, қора деса, қора. Яна бунинг устига уйида ҳам жилови хотинининг қўлида. Икки қизи хотинининг фамилиясига ўтиб кетганига нима дейсан?! Ўчоғининг бошида ҳурмати йўқ одамни идорада ким сийласин!

— Соғиндиқ кўтарилади, деган янгиликнинг жони борми?

— Оғзи бўш одамлар нималар демайди? Соғиндиқ кўтарилиб қаёққа борсин, ёши ўттиздан ўтиб кетган бўлса. Энди ундан раҳбар тайёрлагунларича йўлбарс икки марта болалайди.

— Бекжон-чи, Бекжон, унинг ҳам сизга ёқмас қилиғи борми?

— Бўлгандан сўнг, айтаманда. Нима, уларнинг қайси бири отамни ўлдирибдики, ўч олай десам. Бекжон деганинг сочининг учигача бориб турган шумлик. Олим Тўраевични меҳмонга чақириб, қўй калласини олдига қўйган. Қассоб эса «...менинг сўйганим эчки эди» деб тан олди. Товоқ тортилганда эса — қўйнинг калласи эди. Бу ерда бир сир бор, тушуняпсанми? Унинг томирида қон эмас, ҳийла оқади,барибир бунақа айёрлик билан узоққа бориш қийин.

— Бўлмаса, идорангизда қоровул чолдан бошқа тузук одам йўқ эканда!

— Ҳайдар кўпикни айтяпсанми? Саломатлигинг керак! Ўғри-ку у! Илондай юрган изини кўрсатмайди. Бултурдан бери саккиз челак, ўн бир супургини гум қилди. Кўрмадим, деб тураверади. Кўрмай кўзига кул тушганми, ўзи олган. Бари давлатнинг пулига келади-ку, давлат дегани сен билан мен.

— Идорангизда яхши одамнинг ўзи борми?

— Бор бўлса айтмайманми? Йўқ нарсани йўқ дейилади-да. Бари сувсиз қолган ёғочдан баттар қуруқ. Онадан туғилмай туриб, киссасини ўйлайди. Нима қилардик, бир амаллаб ишлаб турибмиз.

— Қийин бўлган экан.

— Қийин бўлганда қандай!

— Сизга эмас, сиз билан бир амаллаб ишлаб келаётган жамоага қийин бўлган. Ахир сиз қоп-қора куя экансиз-ку, юқмаган одамингиз қолмабди...

Қорақалпоқчадан
Музаффар АҲМЕДОВ таржимаси.

*ҲАЙВОНОТ ОЛАМИДА*

## ЭНГ СЕРГАП ТЎТИ

Тўтиларнинг энг гапдони — жако ҳисобланади. Унинг патлари оч кул ранг, думи оч қизил. Биронта тўти унга ўхшамайди. Жако юздан ортиқ сўз ва иборани эслаб қола олади, кўп сўзларнинг маъносини тушуниб айтаётгандек кўринади: масалан: «Кўришгунча хайр», «Алло», «Салом». Жако баъзи сўзларни ўн йиллаб, ҳатто ундан ҳам кўпроқ вақт унутмайди, узоқ вақт сўзлашмаса-да, сўзлашни гўё унутгандек кўринсада, бир неча ўн йилдан кейин бирданига ҳаммасини эсига туширади. Жако Африкада, унинг ғарбидаги Гвинея ва Анголадан шарқдаги Буюк кўлларгача бўлган ўрмонларда яшайди.

## КОПТОК ЎЙНАЙДИГАН БАЛИҚ

Ҳозирча копток ўйнайдиган фақат битта балиқ фанга маълум. Бу — Петерс узун тумшуқ гнатонемуги. Ҳозир бу балиқ аквариумларнинг азиз меҳмони ҳисобланади. Агар аквариумга кичкина паролон копток ташланса, балиқ дарров сузиб келиб, копток ўйнашга берилиб кетади: коптокни боши билан иргитиб, четга сузиб кетади, кейин яна иргитади ва ҳоказо.

## ОҒЗИ ДУМИДА

Маймунларнинг павиан турига кирадиган бабуиннинг шундай одати борлиги пайқалган: унинг қўли ва-оғзи сувга етмаса худди қудуқдан сув тортгандек ҳавзадан думидан «сув тортади»... Сувсираган бабуин қирғоқдаги қоя тошчаларнинг туртиб чиққан жойига маҳкам ёпишиб туриб, бир амаллаб думининг учини сувга ботиради, кейин дарҳол қирғоққа чиқиб олиб, думини сўради: чунки Африканинг жазирама иссиғида думининг учидаги сув бирпасда қуриб қолиши мумкин-да. У чанқоғи босилгунча шундай қилади. Бабуин сувни жуда кам ичади — кун бўйи ичган суви уч-тўрт стакандан ошмайди. Шунга кўра юқорида айтиб ўтилган усул чанқоқни босиш учун кифоя қилади. Сувга етиш осон бўлган жойларда улар бошқа ҳайвонлардек оғзи билан сув ичади.

## ОЛОВДАН ҚЎРҚМАЙДИ

Ёввойи ҳайвонлар оловдан қўрқмайди, — дейди машҳур немис ҳайвоншуноси Бернгард Гржимек. «Гарчи китобларда ёзилган бўлса-да, оловдан ўлгудек қўрқадиган ҳайвон борлигини билмайман, — деб ёзган у. — Масалан, шерлар оловга анча яқин келади. Ҳатто учиб қолган гулханнинг илиқ кулига ётиб олади.

Ҳар куни исиниш учун катта гулхан ёқиб, атрофида, ўриндиқларда ўтириб олдик. Шу пайт биздан олти метр наридан болаларини эргаштириб шерлар ўтиб кетди, улар бизга ҳам, гулханимизга ҳам эътибор бермади.

Ловуллаб ёнаётган чўғнинг бир чеккасида оҳулар оловдан қўрқмай, бемалол ўтлаб юради, оловдан қочиб кетаётган ҳашаротларни ов қилиш учун қушлар бу ерга галаси билан учиб келади.

## ШЕР КУЧЛИМИ Ё ЙЎЛБАРС?

Гарчи одамлар шерни энг кучли йиртқич деб атасалар-да, у ёввойи ҳайвонларнинг ҳаммасини ҳам енга олмайди. Йўлбарснинг шердан кучлироқ эканлиги муқаррар. Ҳайвонот боғлари ва циркдаги тажрибадан маълумки, шер билан йўлбарс олишганида деярли ҳамма вақт шер кўпроқ жароҳатланади ва енгилади.

Агар ўз вақтида ажратилмаса, йўлбарс шерни ғажиб ўлдириши ҳам мумкин. Уларнинг вазни бир хил эмас. Шернинг вазни 100 — 250 килограммга тенг. Лекин вазни икки центнер келадиган йўлбарслар кам эмас. Овчилар отиб ўлдирган йўлбарслар орасида вазни 350 килограмм келадиганлари ҳам бўлган. Йўлбарс шердан йирикроқдир, танасининг узунлиги, думи билан бирга ҳисоблаганда 3,75 метргача, шер танасининг узунлиги эса 3 метрга боради. Сибирь (ёки Амур) йўлбарси дунёдаги энг кучли ва энг йирик мушук ҳисобланади.

## ЖАЙРА ИГНАСИНИ ОТАДИМИ?

Жайра ғанимига игнасини отади, деган гапни ҳар ким ҳар хил қабул қилар эди. Яқинда немис ҳайвоншуноси Дате ва унинг ходимлари Берлиндаги ҳайвонот боғида жайранинг игналарини зўр куч билан отганини ўз кўзлари билан кўришган. Игналар учиб бориб ёғоч планкаларга қадалган! Игналарнинг катта куч билан отилишига ҳар игнанинг асосини ўраб турган ҳалқасимон мускулларнинг бирданига қисқариши сабаб бўлса керак.

Маҳлиё МИРСОАТОВА
тайёрлаган.

# ҚУЛОҚҚА ЧАЛИНГАН ГАПЛАР

— Бу ашулачи намунча бақираяпти-я? Томоғининг пардаси йиртилиб кетади-ку!?

— Уша «парда» йиртилгач, шунақа бақироқ бўлиб қолган...

***

Театр режиссёри артистларга деди:

— Бугун «Тадбиркор эчки» спектаклини кўрсатамиз. Қайси бирингиз саҳнага «дум»сиз ёки «шох»сиз чиқсаларингиз, бир ойлик маошдан маҳрум этиласиз.

***

«Қистир-қистир» авжига чиққанда, отарчи жувон ашулаю мусиқасиз ҳам «хиром» этаверади.

***

Ёшлигида боқишлари куйдирар эди. Турмушга чиқдию, бечора эрини ёндириб юборди.

***

— Сиз ғоят гўзал, дўндиққина қизга уйланасиз, — деди фолбин бўйдоқ йигитлардан бирига, — очган фолим учун 50 сўм берасиз, вассалом?!

— Қизнинг отаси ёғлироқ жойда ишлашини башорат қилсангиз, бир йўла юз сўм оласиз, — деди йигит.

***

Хотин эрига васият қилди:

— Улганимдан сўнг менинг импортний кийимларимни янги хотинингиз киймасин, хўппми?

— Бу томондан кўнглинг тўқ бўлсин! Чунки, сенинг кийимларинг менинг янги хотинимга сиғмайди.

Абдуазиз ҲОШИМОВ
тўплаган.

Бош муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ

